

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**315** «Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2086-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 февралдаги 12-сон «Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2086, 2010 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 10–11-сон, 79-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 2 июнь,  
44-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2016 йил 2 июндаги  
44-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:».

2. Низомда:

а) муқаддиманинг биринчи хатбошисидан «(Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 4-банддаги «9-моддасига» деган сўзлар «14-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 8-бандда:

ўзбек тилидаги матннинг биринчи хатбошидаги «2-сонли иловаларига» деган сўзлар «2-иловаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «томонларнинг муҳри билан» деган сўзлар «иккала томоннинг муҳрлари билан (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 10-банднинг «ж» кичик банди биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича қабул қилинган бажарилган ишлар бўйича қўшилган қиймат солиғини (кейинги ўринларда — ҚҚС деб юритилади) тўловчи корхоналар учун ҳисобга олинadиган ҚҚС суммасига:»;

д) ўзбек тилидаги матннинг 20-бандидаги «счёт-фактура» деган сўз «ҳисобварақ-фактура» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 21-банддаги «иккала томоннинг муҳрлари билан» деган сўзлар «иккала томоннинг муҳрлари билан (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 23-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«23. Ҳисобварақ-фактуранинг шакли ва уни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) билан тасдиқланган.»;

з) 1 — 5-иловалардаги «М.Ў.» деган қисқартма «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.